

## Қозон масжиди тиббиёт муассасаси учун маблағ йиғмоқда



14:00 / 15.06.2021 1587

Қозоннинг «Гаила» масжидида 1 июндан 4 июлгача анъанавий «Сабйига» хайрия акцияси бошланди. Бу ҳақда [islam.ru](http://islam.ru) манбаси хабар берди. Акция доирасида масжид Қозон тиббий муассаси беморлари учун гигиена воситалари ва буюмлар тўпламини эълон қилди. Ушбу акцияда қатнашиш истагида бўлганлар касаллар учун бир марталик тагликлар, суюқ совун ва бошқа гигиена воситаларини хайрия қилишлари мумкин. Молиявий томондан қилинган хайр-эҳсонлар Қозон тиббий муассасига юборилади.

Молиявий ёрдам икки йўл билан амалга оширилади:

- маблағни масжидга олиб келиб, «Тиббий муассаса учун» алоҳида қутига солинади. Бунинг учун керакли маҳсулотлар сотиб олинади.

- маблағларни масофадан банк карталарига ўтказиш орқали амалга оширилади.

***Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси***